

Чимбой туманида янги мактаб очилди

Жорий йилнинг 7 сентябр куни Чимбой туманидаги “Камисариқ” маҳалласида янги мактаб фойдаланишга топширилди. Мактабнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири ўринбосари Т.Комилов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси қўмита раиси Д.Қурбаниязов, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири А.Темирханов, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири А.Аяпов, Чимбой тумани ҳокими П.Ешанов ва ўринбосари У.Халилаев ҳамда меҳмонлар ва кенг жамоатчилик қатнашди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири ўринбосари Т.Комилов сўзга чиқиб, кенг жамоатчиликни, мактаб ўқитувчилари ва ўқувчиларни янги мактабнинг очилиши билан қизғин табриклади. Шунингдек, маросимда ота-оналар, мактаб ўқувчилари сўзга чиқиб, янги қурилган мактаб учун ўз миннатдорчиликларини билдиришди.

Image not found or type unknown



Маросимда қурилиш ташкилоти раҳбари томонидан мактабнинг рамзий калити мактаб директорига топширилди. Бундан сўнг мактабнинг дастурий очилиш лентаси кесилди.